

## XX АСРНИНГ 50 - 80 ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

**Акрам Мадаминович Саттаров**

Андижон давлат тиббиёт институти Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси

катта ўқитувчиси

[tadqiqotchisattarov@gmail.com](mailto:tadqiqotchisattarov@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX асрнинг 50-80 йилларида Ўзбекистонда пахта яккахокимлигини мустаҳкамлашда янги ерларга ўзлаштириш аҳолини кўчирилиши ёритилган. Жумладан, Мирзачўл худудида Сирдарё вилоятини ташкил этилиши ва Фарғона водийсидан ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган совхозларга аҳолининг кўчирилиши архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аҳолини кўчириш, пахта яккахокимлиги, совет ҳукумати, ўзлаштириш, Мирзачўл, Сирдарё, қишлоқ хўжалиги, совхоз, чўл, .

### RESIGNATION OF THE POPULATION OF THE FERGANA VALLEY IN THE 50-80S OF THE XX CENTURY AND THE DEVELOPMENT OF NEW LAND IN THE SYRDARYA REGION

### ABSTRACT

This article describes the resettlement of the population to new lands in the 50-80s of the twentieth century in order to strengthen the cotton monopoly in Uzbekistan. In particular, the formation of the Syrdarya region in the Mirzachul area and the resettlement of the population from the Fergana Valley to the established state farms were analyzed on the basis of archival materials and scientific literature.

**Keywords:** resettlement, cotton monopoly, Soviet government, appropriation, Mirzachul, Syrdarya, agriculture, state farm, desert.

### КИРИШ

Совет ҳокимиятининг иккинчи жаҳон уришидан кейин пахта яккахокимлигини кучайтиришда ўнлаб қарор ва фармонларни имзолади.

СССР Халқ Комиссарлар Совети 1946 йил 2 февралда 1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш плани ва тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон пахтакорларига партия ва ҳукуматнинг пахтачиликни қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш соҳасидаги қарорлари асосида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Пахтачиликни ривожлантиришдаги муҳим тармоқ механизациялаш масаласига эътибор кучайтирилди. Бу соҳада МТС ларни роли оширилди. [1. Б-262] 1970 йилга келиб Республика олдида пахтачиликнинг янги районларини барпо қилиш, суғориладиган янги ерларни ўзлаштиришни тезлаштириш, совхозларни комплекс қуриш вазифаси белгиланган эди. Мирзачўл, Сурхон, Шерабод водийси ва Қарши чўлида янги ўзлаштирилмаган районларида кейинги беш йилликда 400 минг тонна пахта етиштириш режалаштирилган. [2. Б-101] Умуман Республика бўйлаб давлат маблағларидан 500 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб колхоз ва совхозлар ҳисобидан 50 минг гектар ерга сув чиқарилиши кўзда тутилган эди. Айнан 1970-1980 йилларда ўзлаштирилган ерларда колхоз вап совхозлар ташкил этилиб аҳолини кўчириш тадбирлари жадаллашди.

Ўзбекистонда ирригация–мелиорация қурилиши XX–асрнинг 50 йилларида охиридан бошлаб кенг кўламда олиб борилди. Пахта хом ашёси олишни кўпайтириш мақсадида қисқа муддат ичида Мирзачўлдаги унумдор кўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилди. Мирзачўлда шу муносабат билан 1960 йили 16–февралда Сирдарё вилояти, 1973 йили 29-февралда Жиззах вилояти ташкил этилди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрнинг 50-80 йилларида Фарғона водийси аҳолисининг кўчирилиши ва Сирдарё вилоятида янги ерларни ўзлаштириш мавзуси алоҳида тадқиқотларда айрим жиҳатлари акс этган бўлиб, яхлит тарзда Фарғона водийси аҳолисини Мирзачўлда ташкил этилган Сирдарё вилоятига кўчирилиши илмий ўрганилмаган. Фойдаланилган адабиётларни хронологик жиҳатдан совет даврида ва мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётларга бўлинади.

Пахта яккахокимлигини кучайиши натижасида Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Нафақат чўлларни ўзлаштириш балки, аҳоли яшаб келаётган ўзлаштирилган ерларга

туташ бўлган янги ерларни ҳам ўзлаштириш жадаллашди. Ушбу ўзлаштирилган ерларга пахта етиштиришда албатта ишчи кучи зарур бўлган. Шу мақсадда юзлаб оилалар ўзлаштирилган ерларга ихтиёрий-мажбурий кўчирилган. Кўчириш тадбирларини ЎзССР Министрлар совети хузуридаги “Кўчиш ва кўчириш бошқармаси” тамонидан амалга оширилган. Аҳолини кўчиш ва кўчириш тадбирлари бир қатор адабиётларда тадбиқ этилган. Лекин айнан Фарғона водийси аҳолисини янги ерларни ўзлаштиришда кўчирилган аҳолини айрим қирралари ёритилган халос. Бу эса ўрганилаётган мавзунини тўлиқ ва холисона ўрганишга имкон бермайди. Асосий ўрганилган тадқиқотларда совет хокимиятининг аграр сиёсатида пахта яккахокимлигини кучайиши, ирригация тармоқлари ҳақида изланишлар олиб борилган.

Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш ва ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш. Кўчирилган аҳолини ижтимоий-иқтисодий ва маданий жихатлари айрим тадқиқотларда ўрганилган. Айнан Фарғона водийсини аҳолисини ўзлаштирилган ерларга кўчирилиши масалалари чуқур тадқиқ этилмаган.

Ушбу мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

## МУҲОКАМА

1949 йил январ ойида Ўзбекистон комсомолининг XII съезди бўлиб ўтди. Бу даврда республика комсомол ташкилотлари сафида 281 минг аъзо бор эди. [3. Б-266] Ушбу съезддан кейин чўлқуварлар қахратон қиш бўлишига қарамай Мирзачўлни ўзлаштиришга отландилар. Биринчи бўлиб Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятлари комсомоллари Мирзачўлни ўзлаштиришга етиб бордилар.

Мирзачўлни забт этиш иши умумхалқ қурилиш шаклини олди. Мирзачўлда 35586 гектар ер ўзлаштирилди. Темир бетон новлардан 460 километр узунликда суғориш шаҳобчаси ўтказилди. 630 километр узунликда очик коллекторлар, 240 километр узунликда ёпиқ горизонтал дренажлар барпо этилди. 1956 йилдан 1960 йилгача бўлган давр ичида 31 млн. Сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Ҳар йили Мирзачўл ерларини ўзлаштирилиши давом этирилди. 1960 йилдан бошлаб кўриқ ерларда совхозлар ташкил қилиш ишлари авж олди. Шу йилларда Мирзачўлда 15 та совхоз бор эди. Мирзачўл

билан бир қаторда Марказий Фарғонада ҳам янги ерларни ўзлаштириш авж олмоқда эди. 1953 йилдан 1963 йилгача бўлган 10 йил мобайнида республиканинг ана шу минтақасидаги бўш ётган ерларга кўчиб келган аҳоли хисобидан 16 та колхоз ва 2 та совхоз ташкил қилинди.[4. Б-29]

Мирзачўл худудидаги Сирдарё областининг ташкил этилиши янги ерларни ўзлаштириш, республикада пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиши билан боғлиқ бўлган. Дашт-чўл ерлардан иборат ушбу ҳудудларда аҳолининг ҳаддан ташқари сийрак жойлашганлигини эътиборга олиб ҳукумат томонидан аҳолини кўчириб келтиришга қарор қилинади. Бунинг учун Фарғона водийси асосий объект сифатида танланади, чунки Фарғона водийси деҳқонлари қадимдан пахтачилик соҳасида миришкор эдилар. Бошқа тарафлама Фарғона водийсида демографик вазият ниҳоятда кескин бўлиб, бир қисм аҳолининг Сирдарёга кўчирилиши уни меъёрга солишнинг йўлларида бири деб эътироф этилади. Натижада Сирдарё области ташкил этилиши билан Фарғона водийсидан аҳолини у ерга кўчирилиши кенг қўламда авж олдирилади. Бундан ташқари Тошкент области, Жиззах ва областларидан ҳам аҳоли кўчирилади.

## НАТИЖАЛАР

XX асрнинг 50-80 йилларда Фарғона водийси аҳолисини кўчирилиши икки йўналишда амалга оширилди. Биринчи йўналишда аҳолини Фарғона водийси худудида янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш ишлари амалга оширилган бўлса, иккинчи йўналишда Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириш тадбирлари амалга оширилди. 1950-1970 йилларда аҳоли ихтиёрий-мажбурий равишда кўчирилган бўлса, 1970 йилдан кейинги йилларда аҳоли асосан ихтиёрий равишда кўчирилди. Фарғона водийси деҳқончилиги учун қулай шарт-шароитларга эга ҳудуд бўлганлиги учун деҳқонлар пахтадан мунтазам равишда юқори ҳосил олиб келишган. Мисол учун: “1957 йилда Андижон вилоятининг меҳнаткашлари энг катта ютуқни қўлга киритдилар. 158 минг гектар ердан 28,5 центнердан ёки 450 минг тонна пахта олинди, бу 1956 йилдагидан 38 минг тонна кўп эди.”[3. Б-292] 1957 йилда Андижон вилояти Избоскан тумани колхозлари янги ерларни ўзлаштиришда пешқадам бўлдилар. Бундан ташқари Ўрмонбек массивида кўриқ ерларни ўзлаштириш хисобига минг гектар ерни алмашилиб экишни жорий қилдилар. Шу йили Ўрмонбек массивида янги “Сталин йўли” колхозини ташкил қилинди. [5. Б-3] Янги ташкил этилган колхозларга аҳолини кўчириш тадбирлари амалга оширилган.

Дастлабки янги ўзлаштирилган ерларда аҳоли яшаш учун қулай шарт-шароитлар бўлмаган. Асосон кўчиб борган аҳоли шийпонларда ва вагонларда яшаган. Кўчирилган аҳолини қўнимсизлигини юзага келишида ҳам асосий сабаб яшаш шарт-шароитлари бўлган. Кўплаб оилалар ўзларининг аввалги яшаш жойларига қайтиб кетиб қолган.

Мирзачўлда ташкил этилган колхозларга кўчиб борган аҳоли ҳам пахтадан сермахсул ҳосил олишга эришилди. 1956 йили Мирзачўл районидаги Мичурин колхозини 150 гектар ерга пахта экиб гектаридан 22 центнердан ҳосил олди. [6. Б-15] Жданов номи колхоз аъзолари эса 430 гектар ердан 21 центнердан пахта ҳосилини олиб давлатга пахта сотиш режасини ортиғи билан бажаришди. [6. Б-14] Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирган Фарғона водийсидан кўчиб борган чўлқуварлар, дехқончиликдаги бой тажрибаси билан барчага наъмуна бўлиб унуми паст бўлган ерлардан юқори ҳосил олишга эришдилар.

Марказий Фарғона чўлини ўзлаштиришда ҳам Фарғона водийси аҳолиси жанбозлик кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳудуди таркибига кирган Марказий Фарғона чўлини ўзлаштиришда ҳам мураккаб иқлим шароитлари, кўриқ ва бўз ерларни машаққатли қийинчиликлар билан ўзлаштиришга эришилган. Мана шундай чўлқуварлардан бири,- Тошхон Хожикосимова район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлар эди. 1962 йил у комсомол йўлланмаси билан Марказий Фарғонанининг кўриқ ерларида ишлаган. Уни Янги турмуш колхозига раис қилиб сайладилар. 1961 йилда ушбу колхоз гектаридан 7,5 центнер пахта олган бўлса, 1962 йилда 14,5 центнердан, 1963 йилда 22 центнердан пахта олди. Республиканинг дондор механизатори Манноб Жалолов ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқди КПСС XXII съездининг қарорларига жавобан бир гуруҳ йигит ва қизлар билан бирга Марказий Фарғонадаги кўриқ колхознинг қолақ бригадасига ишлаш учун кўчиб борди. Унинг бригадаси муттасил ҳар йили пахтадан мўл ҳосил олди. [3. Б-328] 1962 йилда Ўзбекистон комсомолининг XVII съезидига келиб, комсомол йўлланмалари билан Мирзачўл ва Марказий Фарғонадаги кўриқ ерларни ўзлаштиришга икки минг ёш ватанпарвар юборилди.

1960 йил Сирдарё вилоятини ташкил этилгандан сўнг, Фарғона водийси аҳолиси аввал кўчиб борган аҳолининг чақириқлари асосида ихтиёрий равишда совхозларга кўчиб бориш жадаллашди. Айниқса Андижон ва Фарғона вилояти аҳолисини Сирдарёга кўчиб бориши сезиларли даражада ошди. 1980 йилгача ёш оилаларнинг Сирдарё вилоятига кўчиб бориши давом этди. Бугун кунда

Сирдарё вилоятининг қайси туманига борсангиз водийликлар билан тўқнаш келасиз. Меҳнаткаш водий халқи Сирдарёда ўзининг дехқончиликдаги бой тажрибаси билан барчага наъмуна бўлиб келмоқда

### **ХУЛОСА**

Совет хоқимиятини аграр сиёсатида янги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш натижасида ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш сиёсати муҳим вазифа эди. Шу каби вазифалардан келиб чиқиб пахта етиштиришда бой тажрибага эга аҳолини кўчириш ишлари олиб борилди. Фарғона водийсини аҳолиси дехқончилик ишларида бошқа худудларга нисбатан тажрибаси юқори эди. Асосан Мирзачўлда ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчирилиши водий вилоятлар аҳолиси хиссасига тўғри келди. Янги ўзлаштирилган ерларга кўчиб борган аҳолини пахта етиштиришда дастлабки йилларда хосилдорлик центнери паст бўлсада, дехқонларнинг бой тажрибаси орқали хосилдорлик ошиб борди. Мирзачўлда ташкил этилган Сирдарё вилояти таркибидаги совхозларга Фарғона водийси аҳолисини кўчиб келиши жадаллашди.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи, очерклар VII китоб-Т., Ўзбекистон, 1978.
2. Ўзбекистон Совет социалистик Республикаси-Т., Ўзбекистон, 1974.
3. Ўзбекистон комсомоли (Ўзбекистон комсомоли тарихидан очерклар) -Т., Ёш гвардия, 1975.
4. Турсунов С. Мустабид тузумнинг аграр сиёсати (1946-1965 йиллар)-Т., Шарқ, 2001.
5. Қизил Ўзбекистон// 1954 йил 20 январ, №24.
6. Гулустон туман давлат архиви, 125-фонд, 1-рўйхат, 263-иш, 14-15 варақ.